

2023-yil  
19-oktabr  
payshanba  
№ 127  
(4879)

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'liida birlashaylik!

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ ЙИФИЛИШИ

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг тўртунчи йиғилиши бўлиб ўтди



Самарқанд вилояти

### АҲИЛЛИГИ ИЛА ДОНГ ТАРАТГАН ЖАМОА



Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан «Энг ахил педагогик жамоа» кўрик-танлови эълон қилинган эди. Голиблик учун баҳсларда юртимиздаги 12600 та мактаб жамоаси иштирок этди. Ҳакамлар ҳайвани қарорига кўра, Самарқанд шахридаги 80-мактаб энг ахил жамоа деб топилди ва биринчи ўринга лойик кўрилди. Куни кечга ғолиб мактаб жамоаси касаба уюшмаси ва «Маврифат» газетаси вакиллари томонидан муносиб тақдирланди.

– 540 ўринли мактабда 1350 нафар ўқувчига таҳсил берадиган бу жамоа Республика ва вилоят босқичидаги кўплаб танловлар сориндоридир, – деди тақдирлаш маросимида сўзга чиқсан Таъ-

Нурила ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

Тадбир

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куни тун фаолият кўrsatadigan қисқа раҳамли

1211

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаштган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Рағбат

### Ваъда вафоси билан гўзал

ДАВЛАТ ГРАНТИ АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА ЎҚИШГА КИРГАН «МЕНИНГ ПРЕЗИДЕНТИМ» ИЖОДИЙ ИШЛАР ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИГА ВАЪДА ҚИЛИНГАН МУКОФОТЛАР ТОПШИРЛДИ

Эслатиб ўтамиз, 2021 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юртимиздаги умумтаълим мактабининг 10-11-синф ўқувчилари ўтасида «Менинг Президентим» ижодий ишлар танловини ўтказган эди.

Танловнинг республика босқичига етиб келган 45 нафар ўқувчига ноутбук, биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин эталарига эса диплом берди асоси 2022-2023 ёки 2023-2024 ўқув йилида республикадаги олий таълим мұассасаларида яшаштган хотин-қизларга кўра, тўлов-шартнома асосида талабаликка қабул қилинган тақдирда мос равишда 1-урин ғолибига 4 йиллик, 2-урин ғолиби – Раъно Абдуҳамидова ҳамда Чинигул Исматиллаевалар 10-синф ўқувчилари эди. Шу йил улар 11-синфн тутагиб, олий таълим мұассасасига давлат гранти асосида ўқишига кириши.

Куни кечга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида уларга ваъда қилинган пул мукофотлари тўлаб берилishi, борди-ю мазкур ўрин эталари ўқишига давлат гранти асосида қабул қилинса, мос равиша контракт тўлови миқдорида мукофот пули берилши ваъда қилинган эди.

Ўтган йилда танлов голибларига мукофотлари берилди. Шаҳрида танловнинг иккى нафар ғолиби – Раъно Абдуҳамидова ҳамда Чинигул Исматиллаевалар 10-синф ўқувчилари эди. Шу йил улар 11-синфн тутагиб, олий таълим мұассасасига давлат гранти асосида ўқишига кириши.

Куни кечга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида

потлари топширилди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Шукрат Жалилов мукофотларни ўз агалиги топширилган экан, уларга улкан зафарлар тилади.

– Бизга берилётган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, кўп ютуқларга эришаптимиз, – деди Раъно Абдуҳамидова. – Айниқса, «Менинг Президентим» инчолар танловни туфайли ўзимга бўлган ишончни ортиб, одимига янада катта мақсадлар кўйиган эдим. Мана ўша максадларимдан бирига эришдим. Яъни дав-

лат гранти асосида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига ўқишига киришга мусасса бўлдим. Мукофотни олар эканман, зиммадаги масъулит чандон ортида. Келгисида менга бўлдирилётган ишончи, албатта, оқлайман. Шу ўринда биз ўшлар кўллаб-куватлаётган давлат раҳбарига, шумладан, истеъодимизни юзага чиқаришга сабабчи бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ўз ташаккурилди.

– Мен Самарқанддаги Ўзбекистон ва Финляндия надовлад институтига давлат гранти асосида ўқишига кирдим, – деди Чинигул Исматиллаева. – Очиги, иншолар танловни ҳәттимни тубдан ўзгариштириб юборди. Туман босқичида катнаштаганимда шу даражага етишим ҳаёлимга ҳам келмаган эди. Лекин инсон холис ният билан бир ишга кўл урса, натижка бўларкан. Мана, шундага етдим. Бизни кўллаб-куватлаётган ташкилотларига катта раҳмат!

Ғуломжон МИРАХМЕДОВ  
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

«Ўзбекистон темир йўлари» Аҳка қараши «Куюв-механика заводи» шўъба корхонаси раҳбарияти ҳамда касаба уюшмаси ҳаммиша ишчи-ходимларни ҳар томонларни кўллаб-куватлаётган келади.

Яқинда корхона ишчи-ходимларининг бир гурӯру учун «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қўй!» дастури доирасида кўхна Самарқанд шаҳрига ўширилган саё-

хат ҳам ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Иккى кунлик ташриф ногида ходимлар Самирқанддаги барча тарихий обидадан билан яқиндан ташишилар.

Қадимий ва кўхна Самарқандга саёҳат, шубҳа, сиз, ишчиларда катта таасусурот қолдири. Умуман олганда, мамлакат бўйлаб саёҳатга чиқиш булоқ ажадод-

лар қолдириган тарихий-ма-

даний мерослар билан яқиндан ташиши, мұқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконини бериш билан бир каторда, юрт ўтмиши ҳаёлидаги билимларнинг янада бойишига ҳам хизмат қолади.

Учун ҚАҲХОРОВ,  
«Куюв-механика заводи» шўъба корхонаси касаба уюшмаси раиси

Қорақалпоғистон Республикаси

Таассуротларга бой беллашув

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нукус шаҳар кенгаши ҳамда Нукус шаҳар мактабагача ва мактаб таълимни бўлмас томонидан соҳадаги педагог ходимлар ўтасида спортнинг во-лейбол тури бўйича мусобаба ўтказилиди.

Кизиган баҳслар остида кечган беллашув сўнгда ғолиб жамоа аబзолари Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нукус шаҳар кенгаши томонидан эсдалик соввалари ва диплом билан тақдирланди.

Фотима АБДУРАЙМОВА  
«ISHONCH»





Бухоро вилояти

## ТАКЛИФЛАРИНГИЗ БИЗ УЧУН МУХИМ



— Менда бир таклиф бор, инобатга олинармикан?! — деда гап бошлайди учрашувда қатнашаётган муштариyllардан бири.

— Сизларнинг истагингиз биз учун жуда мұхим. Бемалол фикрларингизни билдиришиңгиз мүмкін, — жавоб қайтаради таҳририят вакили.

— «Ishonch»да ўқитувчилар ҳәтига бағылланған руқнлар ҳам ташкил этилса, ўз фаолиятимизни газетандырып берітиб борсак, айни мудда бўларди, — деди Барчиний Каримова. — Биласиз, сўнги вақтларда ўзбек зиёлиларининг «Маърифат» газетаси нашр этилиши сўрқ остида турибди. Шу боис газеталарда чиқишиларимиз сони камайб кетяпти. Аммо биз ўқитувчилар даврий босма нашрларда доим қишиқ қилиб турсак деймиз.

— Яхши таклиф, аммо «Ishonch» ўз йўналиши ва ихтиносигига эга нашр эканини инобатга олишингизни, унумаслигининг ҳам сўйардик, — деди Боз мұхаррир Ўринбосари Жаҳонгир Наҳанов. — Касаба уюшмалари фаолиятини ёритиш асосий йўналишимиз санади. Аммо касаба уюшмалари аъзолари сафида ўқитувчи ва мураббийлар ҳам борлигини инобатга олган ҳолда улар учун ойига бир ёки марта саҳифалар ташкил қилиш ҳақида ўйлаб кўришимиз мумкин.

— Биз таҳририятга кўплаб мақола ва хабарлар жўнатамиз, — деда навбатдаги савол билан мурожаат қилид «Бухоро миңтақавий темир йўл узели» корхонаси худудий касаба уюшма қўмитаси раиси Муродилло Жумаев. — Лекин уларнинг асосий қисми таҳрир вақтида қисқартирилади. Афуски, бундай қисқарышлар сабаб фаолиятимизни тўлаони ёрита олмаймиз. Шу

Дилдора ИБРОҲИМОВА  
«ISHONCH»

масалада бизга ёрдам берсангиз.

— Эътироозингиз ўринли, — деда жавоб қайтаради таҳририят бўлим мұхаррири Алижон Абдураҳмонов. — Аммо унумаслики, биз учун эълон қилинётган материалларнинг ижодий жиҳатдан мазмундорлиги мұхим саналади. Маълумотлар ва рақамлар билан материалларни тўлдиришдан қочамиз. Шу сабабли баъзи хабарлар қисқарши табиий бир ҳол. Аммо фикрларингизни инобатга оламиз.

Кўп сонли муштариyllарга эга «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятни ижодий жамоаси ҳар йили ўз газетхонлари билан юзмаяуз мулокот қилиш, уларнинг таклиф ва истакларини тинглаш мақсадида «Ishonch» кунларига тадбирларини ўтказиш анъанасини йўлга қўйган. Яқинда Бухорода бўлиб ўтган ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси юқоридаги сингари савол-жавобларга бой гарзда кечди.

Тадбирни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Бухоро вилояти кенгаши раиси Мұхаммадқосим Олимов сўзи билан очди. Касаба уюшмалари фаолияти, меҳнат жамоаларида ходимлар учун юратилётган шароитлар, уларнинг бўш вактларини мазмунли ўтказиш, соғликларини мустаҳкамлаш ва бошқа йўналишларда олиб бораилётган ишларни ёритишида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг таҳририят фаолияти қанчалар муҳимлиги ҳақида гапириди.

Очиқ ва самимий мулокот руҳида ўтган учрашувда бухоролик муштариyllар фикрлари, таклиф ва истакларiga қулоқ тутиди.

— Республикалигининг энг забардаст босма нашрларидан бири «Ishonch» газетаси саҳифаларида ёритилаётган ранг-баранг мавзудаги мақолалар чукур мазмунли танқидий-таҳлилий материаллар нашр ўқувчилари сони ортиб боришига хизмат қилмокда, — деда алоҳида қайд этди узоқ йиллар матбуот ва журналистика соҳасида меҳнат қилган, бухоролик фахрий журналист «Бухоронома» газетаси мұхбири Эркин Ёдгоров. — Муштариyllар билан жойларда бундай учрашувларнинг ташкил этилиши таҳририят жамоасига янгидан-янги гоялар учун илҳом манбаига айланади. Газетхонларнинг таҳририятга бўлган хурматини янада оширади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА  
«ISHONCH»



## «ISHONCH» ВА ИШОНЧ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

**Муҳлислар билан ҳамкорлик қилиш, бамаслашат иш юритиш ҳар қандай нашрнинг ўқишили бўлишини таъминлайди. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятни шуни назарда тутиб, жамоатчилик билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган. Таҳририят ходимлари ҳар йили вилоятларда муштариyllар билан учрашувлар ўтказишади, шу асно кўпчиликнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, навбатдаги долзарб вазифаларни белгилаб олишади.**

**Улар яқинда айнан шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Навоий вилояти кенгашида яна бир бор муштариyllар билан дийдорлашдилар.**

**У**чрашувни вилоят кенгаши раиси Назира Тоғаева кириш сўзи билан очар экан, иштирокчилар эътиборини дастлаб газетанинг мазмун-моятига қаратди. Айниқса, «Касаба уюшмаси аралашгач...», «Жавобини кутаётган саҳифаларида Навоий вилоятига тегиши турил хабар ва мақолаларни кўпайтириш лозимлиги юзасидан алоҳида тақлиф кириди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши раиси Феруза Раҳимова кейинги пайтлардаги экология бузилишлари туфайли турли касалликларни тарқатувчи вируслар кўпайиб, ин-

риш, жойларда жонли мулокотлар ўтказишнинг фойдали жиҳатлари, бўлим мұхаррири Алижон Абдураҳмоновнинг оммавий ахборот воситаларининг ўтиши, вунар ва келажаги, «Ishonch»нинг кейинги йиллардаги чиқишли ҳақидаги мулҳозазаларини иштирокчилар катта қизиқиши билан тингладилар.

Сўнгра навбат касаба уюшмалари фаолларига ва газета муштариyllарига берилиди. Дастрاب сўз олган вилоят кенгаши раиси Ўринбосари Нормурод Исоқов газета фаолиятини ижобий баҳолаш билан бир каторда, бундан бўён унинг саҳифаларида Навоий вилоятига тегиши турил хабар ва мақолаларни кўпайтириш лозимлиги юзасидан алоҳида тақлиф кириди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши раиси Феруза Раҳимова кейинги пайтлардаги экология бузилишлари туфайли турли касалликларни тарқатувчи вируслар кўпайиб, ин-

соният катта муаммолар гирдобида қолаётганини ачиниш билан тилга олди. Ўз навбатида, бундай оғатларини олдини олиш учун оммавий ахборот воситаларидан имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди. Унинг тақлифига кўра, таҳририят вакиллари келгусида бу масалага газета саҳифаларида кенг ўрин берилиши, малакали мутахассисларининг мавзуга доир мақолалари ёритиб борилишини маълум қилидилар.

Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудириаси Норимурод Нурмоновна эса бугунги кунда «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари саҳифаларида бокувишини йўқотган аёллар ва болалар химоясига бағишилган алоҳида тақлиф кириди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши раиси Феруза Раҳимова кейинги пайтлардаги экология бузилишлари туфайли турли касалликларни тарқатувчи вируслар кўпайиб, ин-

Нормурод МУСОМОВ  
«ISHONCH»



Ижодкорга нима илҳом беради? Албатта, мулокот. Шу боис ҳар йили таҳририят ходимлари муштариyllар ҳузурда бўлиб, уларнинг фикр ва мулҳозазаларини ўрганиди. Ўзаро сўхбатда янги-янги ғоялар туғилади, турфа қарашлар, баҳс ва мунозаралардан галдаги режалар белгиланади. Қарши шаҳрида ўтган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ижодкорлари билан учрашув ҳам, албатта, бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев тадбирни очар экан, сўнги йилларда газета саҳифаларида дилтортар мақолалар кўпайти, деярли ҳар сонда аҳоли манфаатларига дахлдор ёки худудий долзарб мумъомлар ечимишин излаган мақолалар чориётганини алоҳида таъкидлайди.

Таҳририят Боз мұхаррири Ўринбосари Жаҳонгир Наҳанов ҳам сўзга чиқиб, ҳозирги тараққиёт асирида, тезкор замонда тармоқлар орқали ҳар хил олди-қочди хабарлар кўпай-

## СИЗЛАРДАН ҲАМ ИЛҲОМЛАНАМИЗ

гани, бу жиҳат муштариyllарга бирор маънавий озуқа беришдан кўра, уларнинг тафаккурини асосланмаган ахборот билан тўлдиришга хизмат қилаётганини айтиб ўтди.

— «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари саҳифаларида таҳлилий мақолаларга кенг ўрин берилётганини бежиз эмас, — деди у. — Мақсадки, ҳалққа янада яқинроқ бўлиши, шаффоғ, холис ва таҳлилий мақолалар билан аҳоли ўртасида мутола маданийтини юксалитириш ҳамда шу йўл билан Янги Ўзбекистонни барпо этишга бел боғлаган, Уинчни Ренессансга хизмат қилаётганини шижоаткор ва билимли авлоднинг камол топишига ҳисса қўшицидир.

Ўз навбатида бўлим мұхаррири Алижон Абдураҳмонов газета ўқиши ҳар бир инсон учун эрталабки нонушта каби табиий зарурат эканинга ургу берди.

— Газета ижодкорлари ижтимоий тармоқларда берилётгани шов-шувли хабарларга бир ёқлама қарамайди. Аксинча, ҳар бир масалани чукур ўрганиб, танганинг иккинчи томонини ҳам ўрганиди. Натижада,

кишини мушоҳадага, мулҳозага ундаидиган мақолалар чориётганини алоҳида таҳририятни юридикси Эсонбой Ражабов. — Хусусан, тажрибали журналист Аҳмаджон Мелибоев каби ижодкорларнинг ҳаётий ва тарбиявий мақолалари бигзат манзур бўлмоқда. Ана шундай ўқишили саҳифалар кўпайиши таҳрафоримиз.

— Ҳар куни бўш тақтада, дегунча газетанинг ishonch.uz сайти ва телеграм каналида хабар ва мақолаларни кузат берорам, — деди касаба уюшма фаоли Файзулла Маҳмудов. — Тезкор ва таҳлилий ахборотлар, долзарб мумъомлар дадил кўтариб чиқиған видеолавҳалар бигзат манзур бўлглати. Обуначилар сағни кенгаймоқда. Аммо ҳар биримиз тарғиб қилисан, ishonch.uz сайти ва телеграм каналига обуна бўлувчилар янада ошган бўларди. Чунки бу сайт ва каналда асло зерикб қолмаймиз ва қўшилганимизга афсусланмаймиз!

— «Ishonch» газетаси саҳифаларида «Аёллар дафтари»ни вараклагандаги... деган руҳ бор. Үнда хотин-қизларнинг оилавий шароити,

муаммолари, белгиланган чора-тадбирлар кенг ёритилиди, — деди ушбу дафтarga киритилган иккинчи гурух ногирони Фотима Хўжаева. — Мен ҳам «Аёллар дафтари»нинг шароғати билан даволандим. Юра олмадим. Тикиш машинаси бериши, моддий ёрдам арзаттиди. Каршидаги ногирон болалар «Мурӯват» уйидаги ишляяпман. Яқинда Юртбошизмизга билдирган миннадорлик сўзларим газета саҳифаларида чориётганини алоҳида таҳририятни юзасидан алоҳида тақлиф кириди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилояти кенгаши раиси Феруза Раҳимова кейинги пайтлардаги экология бузилишлари туфайли турли касалликларни тарқатувчи вируслар кўпайиб, ин-

кишини тавсияни килимади. Барчага севимли газетамини ўқишини тавсия қилимади.

— Газетанинг ҳар бир сонини ўйга олиб бориб, оиласи азъоларни билан баҳамижат ўқишимиз, — деди вилоят кенгаши раиси Ўринбосари Исоқ Аҳмедов. — Ўзимизга ёқсан энг сара мақолаларни йиллар давомида сақлаб кўймиз. Яқинда газета саҳифасида чориётганини алоҳида тақлиф кириди. Шерали Жўраев ҳақидаги мақола ана шу олтин сончоп бўйича алоҳида тақлиф кириб ўтди.

Учрашув чориётганини алоҳида тақлиф кириди. Шерали Жўраев ҳақидаги мақола ана шу олтин сончоп бўйича алоҳида тақлиф кириб ўтди.

Касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятида масъул ташкилотчиши Шодмон Кубаев газетада хорижий давлатлардаги касаба уюшма фаолияти ҳақидаги мақолалар чориётганини алоҳида тақлиф кириб ўтди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Шерзод Йўлдошев эса фоал ўқитувчилар ҳақидаги, уларнинг илғор иш тажрибалари хусусида туркум мақолалар чориётганини алоҳида тақлиф кириб ўтди.

Қарши давлат университети касаба уюшмаси кўмитаси раиси Абусаид Норов, Аргосаноат мажмуюи ходимлари касаба уюшмаси Косон туманинг кенгаши раиси Шуҳрап Ортиқов газетада бошланғич ташкилотлар фаолиятига кенг ўрин берилётганини кўллаб-кувватлаб, янги йилда ҳам бу анъанани давом этириш лозимлигини кўшишмади қилишибди.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯШИЛ МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!

Ўзбекистон маҳалла фаоллари,  
нуронийлар, зиёлилар, хотин-қизлар  
ва ёшлар вакилларининг халқимизга  
МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!  
Маълумки, Ер сайдераси – башариятнинг ягона Ватани. Ер – ҳаёт манбаи. Инсон ҳаёти учун нимаики зарур бўлса, барчасини бигза мана шу саҳоватли замин инъом этади. Афсуски, бугун сувдан, тупроқдан хотүғри фойдаланиш, экологик жиҳатдан заарорли технологияларни ќўллаш оқибатида сайёрамизда иқлим ўзгариб, биохилма-хиллик ўқулиб бормоқда. Ер юзидағи **8 миллиарддан ортиқ** инсониятнинг ҳаёти хаёф остида қолмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда БМТ министридан инсоният ҳаётига таҳдид солаётган **учта инқизор** – иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик ўқулиши ва атроф-муҳит ифлосланишини бартараф этишига доир муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 11 октябрда ўтказилган видеоселектор йигилишида ҳам мазкур масала бўйича бир қатор муҳим таклифлар билдириб, устувор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, **25 октябрдан 1 декабрга қадар** юртимизда «**кузги дарахт экиш мавсуми**» эълон қилинди.

Доимо она табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, атроф-муҳит соғлиги ва барқарорлигини сақлашга интилиб келадиган кўп миллатли халқимиз номидан биз Президентимизнинг ана шу ташаббусларидан рух олиб, барчангизни, бутун эл-юртимизни «**Янги Ўзбекистон – яшил маконда бирга яшайлик!**» деган олижаноб ғояни қўллаб-кувватлашга чакирамиз.

Доно ҳалқимизда «**Яхшидан боғ қолади**» деган пурмано ҳқиммат бор.

Шундай экан, миллий қадриятларимизга содик қолган ҳолда, оиласда фарзанд дунёга келганида унга атаб кўчат экиш, ҳашар йўли билан боғ-роғлар яратиш, иморатлар атрофини кўкаламзорлаштириш каби эзгу анъаналаримизга ҳамоҳанг тарзда **ҳар бир хонадон томонидан 20 туп кўчтади экини ва ўтириш ташаббусини илгари суралмиз.**

Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг тўй ва бошқа яхши кунларида **ниҳол экини анъанага айлантирасак**, нима дейсизлар! **Бу ўят савобли тадбир эмасми?**

Қадрли маҳалла фаоллари, кўчабоши ва уйбошилар!

Айни вақтда, айрим маҳалларда, кўча ва гузарларда бўш турган, дарахт экиммаган жойлар ҳам кўп. Эндиғи вазифамиз ушбу жойларни боғ-роғларга айлантириша **маҳалла аҳлиниң ҳамжиҳатлигини кучайтириш, ҳудуд ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қиласиган лойиҳаларни кенгайтиришдан** иборатдир. Бунинг учун ҳар бир маҳалла «**маҳалла боғлари**»ни яратишимиш, яшил ҳудудларни кўпайтишишимиз, шахсий намуна си-



фатида дастлаб ўз хонадонимиз ва кўчамизни обод қилишимиз, «**Яшил макон** умуммиллий лойиҳасига ўз хиссамизни кўшишимиз зарур.

Экилган ҳар бир ниҳолни парваришлаш ва сақлашда маҳалла фаоллари, бошқарув-сервис компаниялари жонбозлик кўрсатиши лозим. Бунинг учун «**маҳалла еттилиги**, кўчабоши ва уйбошилар ҳамда хонадон эгалирини масъул сифатида бириктириш мақсадга мувофиқдир.

Муҳтарам нуронийлар!

Сизларнинг ҳаётий тажрибангиз, дуо ва тилаклариниң ҳалқимиз учун ҳамиша катта таянч ва суняч бўлиб келмоқда.

Юртимиздаги **3 миллиондан ортиқ** нуронийлардан маҳаллаларда «**Яшил макон** умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда ҳоли томонидан кўчталарни намунали экинши ташкиллаштириша янада фаоллик ва ташаббус кутиб қоламиз. Сизларнинг шахсий намунангиз, панду насиҳат, тавсия ва кўрсатмаларингиз барчамиз учун муҳим.

Нуронийларимизнинг ҳар бирни 1 тұндан кўчат экса, 3 миллиондан зиёд янги дарахт пайдо бўлади. Ёки ҳар бирни ўз ёнга 10 нафар ёшни жалб қилса, бу рақам 10 баробарга ошади.

Хурматли деҳқон ва фермерлар, томорқа ер эгалари!

Ерга мөр бериш, унинг ҳар бир қаринидан унумли фойдаланиш, кўчат экиб, боғ яратишида сизларнинг улушнингиз катта. Биргина кучат етишириш бўйича тўхтадиган бўлсақ, мамлакатимизда бир ярим минг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан **81 миллиондан зиёд** тут, ток, тол, ёнғоқ ва бошқа ниҳоллар парваришланмоқда.

Бу савобли ишларни давом этириш учун ҳар бир хонадон эгаси ўз томорқасига, маҳалла гузари ва кўчасига **10 тупдан** кўчат экса, юртимиз бўйлаб ўртача **55 миллион дарахт** бунёд бўлади.

Фермерларимиз «**Бир дала – бир маҳсулот**» тамойили асосида ўз худудига **тут, ток, терак ва бошқа кўчатларни экса**, ҳар бир қарич еримиз боғ-роғларга айланади.

Қадрли зиёлилар, фан, адабиёт, санъат намояндалари ва спортичилар!

Жонажон Ватанимиз тараққиётiga хисса қўшадиган ташаббусларни қўллаб-кувватлашда сизларнинг фаол иштирокингиз муҳимдир.

Сиз каби эл таниган ижод аҳлига, зиёлилар ҳамда спорт юлдузларига юртимиз ёшлари ўзгача ҳавас билан қарайди.

Шундай экан, юртимизда амалга оширилаётган кузи

даражат экши мавсумида сизлардан **янги-янги ташаббуслар, амалий ҳаракатлар ҳамда шахсий намуна кутиб қоламиз!**

Мўътабар оналар, азиз опа-сингиллар!

Хонадонимиз, маҳалламиз файзу таровати сиз билан гўзалдир!

Табиат ҳам она каби муқаддасидир! Она ва табиат тушунчаларни бир-бира ҳамоҳандир. Онани қандай эъзозласак, табиатни ҳам шундай қадрларни фарзандларимиз онгу шуурига чукур сингдиралиб!

Токи, зурриёдларимиз ота-боболаримиз сингари боғу бўйстонлар яратувчиси, она табиат ҳимоячиси бўлсин! Шундагина табиатни асл ҳолидек сақлаб, уни келажак авлодга безавол етказишга эришамиз.

Айни вақтда, «**Оналар – яшил макон учун**» фоясингин анъанага айланниб бораётгани, маҳаллаларда «**Оналар боғи**» ташкил этилаётган куонарларидир. Бу ишларда 10 мингя яқин маҳалладаги «Оқила аёллар» ҳаракатининг ҳам муносиб ўрни бор. Галдаги вазифамиз – **ушбу ҳайрли тадбирларни ҳалқимиз орасида кенг ёйишдан** иборат.

Азиз ўшлар!

**Сизлар Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор кучисиз! Ҳалқимиз кўзлаётган юксак марраларга эришишда ақл-заковатнинг, гайрат-шижоатнинг, она Ватанга бўлган садоқатнинг беквёсдид.**

Она заминимизга меҳр беринг! Нурули келажак учун бунгандан бошлаб **ӯз хонадонингиз, кўчангиз, маҳаллангизда ниҳолингизни экинг, ҳудудда «Ёшлар боғи»ни ташкил этишида ташаббус кўрсатин!**

Асло унунтаган, сиз ўзбекистон фарзандисиз, сизнинг хиссангиз – бу ота-онағиз, маҳаллангиз ва бутун ҳалқимизнинг фаровонлиги учун хизмат қиласиди.

Қадрли юртдошлар!

Дарахт экши ва уни парваришлаши мажбурият эмас, қадрият сифатида қабул қиласиган!

Ҳар биримиз келажак авлод олдидағи бурчимизни чукур ҳис қиласиган ҳолда, «**Яшил макон** лойиҳасини умумхалқ **миллий ҳаракатига айлантирайлик!**

Токи, биздан фарзандларимизга обод, яшилликка бурканган гўзал Ватан мерос қолсин!



САДОҚАТ РЎЗИЕВА ТИББИЁТ СОҲАСИГА КИРИБ КЕЛИШИДАН ОЛДИН ОНАСИ, НЕВРОПАТОЛОГ – САОДАТ ОПАДАН КИМЁ, БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИДАН ТУШУНМАГАНЛАРИНИ СЎРАБ ТУРАРДИ. ОНАСИ УНГА СЎРАГАНЛАРИНИ ҲАЁТ БИЛАН БОҒЛАБ, ЖУДАЯМ СОДДА ҚИЛИБ ТУШУНТИРАРДИ, УЛАР ЁШГИНА ЎҶУВЧИННИГ ХОТИРАСИДА МУСТАҲКАМ МУХРЛАНАРДИ. БУ ТУШУНТИРИШЛАР ЎША ПАЙТЛАРДА ҚИЗНИНГ ҚАЛБИДА КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ ФАНИГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРДИ. ШУНДАНИМИ, САДОҚАТ МАКТАБНИ АЪЛО БАҲОЛАРГА ТУГАТИБ, ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИГА ЎҶАШИГА КИРДИ. У ЕРНИ ТАМОМЛАГАЧ, ПОЙТАХТИМИДАГИ 4-ШАҲАР КЛИНИК ШИФОХОНАСИННИГ РЕАНИМАЦИЯ ВА НЕВРОЛОГИЯ БЎЛИМЛАРИДА ҲАМШИРА СИФАТИДА ИШЛАДИ.

## ШИФОКОРЛИК – беморга ташхис қўйиш билан чекланадиган қасб эмас

– Бу ерда кечган фаолиятим ҳаётимда катта из қолдири, – деб эслайди Садоқат Рўзиева. – Шифохона жуда катта, беморлар ҳам кўп эди. Ётиб қолган, оғир аҳволдаги касаллар кўп келар, аммо кўз ўнгимда улар шифохонларинг билим ва маҳорати туфайли ўз оёклари билан юриб, уйига кетишарди. Бундан жуда тасъирланганман ва шифохонга бўйлиша аҳад қилганман. Ҳамшира бўлиб ишлаб юрган кезларим уйга келгач, онам билан беморларнинг аҳволи ҳақидаги касалларни кўзатувларимни бўлишардим. Онам ўз фикр ва хулосаларини айтib, ҳамширик фоалиятим самарали бўйлишида маслаҳатларини аямасди. 2014 йилда Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш иши факультетига 1-ўринда, грант асосида ўқишига қабул қилиндим.

Академиядаги ўқиши, профессор устоузларнинг сабоклари ҳақаромонимизни жуда катта оламга бошлади. Ҳамширикка ўқигани ва амалиётда ҳам ишлаб боис, у фанларни ўзлаштириша қийинчилликка учрамади. Республика ва ҳалқаро миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда фаол ишти-

рок этиб, олий ўқув юрти шаънини муносиб ҳимоя қилди. Ўзбекистон Республика Врачлар ассоциацияси стипенднати, талабалар ўтасидаги ўтказилган Фармакология олимпиадаси Республика босқичи 1-ўрин соҳиби ва яна бошқа кўпльаб ютуқларни кўлга киритди. Бакалавриатни имтиёзли диплом билан яқунлаган Садоқат Рўзиева магистратурада таҳсил олиш билан бирга, Чилонзор туманидаги 37-оплагий поликлиника ҳама фаолиятини бошлади. Буни қарангти, унинг иш шифохон сифатида қадамлари дунёни ларзага соглан COVID-19 пандемияси даврига тўғри келди. Бу пайтда Садоқат турмуша чиққан, бир нафар фарзанди ҳам бор

тиришга, вакцинация ёрдамида сунъий иммунитет ҳосил қилиш, касаллик белгиларини эрта аниклаб, асоратлар ривожланмаслиги чораларни кўришга ҳаракат қилди. Ўзи ишлаб чиқкан Сўровнома бу борада унга катта ёрдам берди.

– Пандемия пайтида ҳамма ҳамкасларни қаторида менинг ҳам хәлимидан нима қиласам, ўз ҳудудидам касалланышда даражаси камайшига, беморларни ўз вақтида даволашга эришаман, деган ўй кечарди, – деди Садоқат Рўзиева. – Шу ўй билан бир куни сўровнома тушиб чиқдим. Унда COVID-19 белгилари кутилаётгани ҳақидаги саволларга «Ҳа» деб жавоб берган беморларнинг поликлиникага чиқишни, тегишил телефон рақамларига сим қоқишини сўраганимиз. Сўровномани ҳар куни ҳамширлар албадонларга тарқатиб чиқарди. Унинг ёрдамида вирус билан касалланганларнинг аксариётини ўз вақтида аниқлашга ва биринчи босқичнинг ўзида асоратсиз даволашга эришдик. Соғлам аҳоли ва килиларининг эса беҳуда поликлиникага келиши ва бошқалардан вирус юқтиришининг олдини олдик. Натижада по-

ликлиникамиз қамраб олган ҳудудда бошқа ҳудудларга нисбатан вирус билан оғир касалланганлар ва ўлим сони нисбатан кам бўлди.

У тиббиёт олийохига киришдан олдин невролог бўлиши олдига мақсад килиб қўйганди. Пандемия даврида, магистратурада таҳсил олганни бу мақсад янада қатъйлашиб, айнан шу йўнайлишга ихтисослашиб. Ўтган йили COVID-19 касаллигига ҳид ва таъм билишнинг бузилиши мавзусида магистрлик диссертациясини ҳам ҳимоя қиласиди.

– Шифохорлик – bemorга ташхис қўйиш билан чекланадиган ёки текшириб, дори ёзиб берадиган қасб эмас, – деди йи. – Аввало беморнинг руҳини даволаш керак, шунда танани тузатиш осон кечади. Руҳни даволаш йўли эса ширин сўз, ишон ва табассумидир. Кашиб етукли – руҳ ва танани бирга даволай олган шифохор маҳоратда кўринади. Айни пайтда мен ҳам шундай маҳорат



**Суратда:** 1961 йил. Ўнгдан – энам, энамнинг қўлида Мўминкул акамнинг ўғли Ҳуббон, Раҳматилла укам, Мўминкул акам, Ражабиби синглим, Зирофа янгам, орқада камина.

#### Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Энам жуда кўйди-пишди, беҳаловат, жонсарак аёл эдилар. Тўққиз фарзанд (тўрт ўғил, беш қиз), уларнинг болаларини ўйлаб юардилар. Невараларидан биронтаси сал шамоллаб қолса, жуда безовта бўлиб, тезроқ дўхтирга кўрсатинглар, деб ёзигардилар. Бизнегига – Тошкентга келгандарида бу гал бир ой турман, дердилар. Турмуш ўтғомиг билан мен кулиб кўярдик. Чунки билардикки, бир ҳафтадан ортиқ тура олмасдилар. Фалончи тушибига кирди, пистончи сал бетоб этди, тузилиб кетдимикан, деб невараларини эслаб, кетамагна тушиб қолардилар. «Хаммасининг ота-энаси бор, қараиди-да, сиз шуларни ўйлаб юрасизми эндим, эна? Бир ой турман, дегандингиз-ку», дейман. «Э, болам, ҳозир сенга минг гапирганим билан тушумайсан, қачон ўзинг неварава кўрсанг, ўшанда биласан», дердилар маънос тортиб.

Дарҳақиқат, ўзим неварали бўлганимдан кейин англаб етдим энамнинг ўша пайтдаги ахволларини.

Бир марта жуда ёмон бўлди. Шу воқеани эсласам, ҳозир ҳам ич-ичимдан эзиламан, ўзимини ўзим қатиқ койийман ва ўзимни хамон кечиролмайман. Аммо бундан энди ни фойда?

Себзорда ҳеч қандай шароити йўқ эски бир ҳовлада турар эдик. Бизга унинг маъқул тарафи – ижара ҳақи тўламасдик. Шу ўринда айтиб ўттай, турмуш курганимиздан кейин еттий йил ижара-ма-ижара кўчиб юрганимиз. Шу йилларда олти жойга кўчид. Ўрисларда уч марта кўчиш – битта ёнин билан бэрарвад, деган гап бор. Бизда, кўч-кўйларда йўқтадиган нарсамиз йўқ, факат бир неча китоблар йўқолган эди, холос. Кам бағал бўлсанг, кўчиб кўр, деганларидай, кўч-тандан одамнинг кўзига кўп нарса ортиқча кўрина-веради. Шу йилларда знам бечора қанчалар қўй-налгандарини биламан. Бизга билдирамсдилар, аммо сезардим. Ҳар сафар келгандаридай ёки биз қишлоққа борганимизда биринчи саволи «Ўзинга га ўй бердими, болам?» бўйларди. Бу саволга «Ҳа» деб жавоб бера олмаслигимдан мен қанчалар эзилсан, энам мендан ўн чандон, балки юз чандон ортиқ эзилардилар. Саволларига «Йўқ» оҳан-гидаги биш иргашими кўриб, шу қадар ачиниши, афус билан «Уфф» тортардиларки... Эх, онаизор! Фарзандингиз учун шунчалар ҳам қайғуруасизми... Шундай кезларда ўзимга ўзим савол берардим: «Энажонингин қийна, кимларнинг эшигига сарсон-саргарон бўлиб юриш зарилми сенга?! Шунга яраша нима каромат кўрсатиб кўйдинг?! Сенинг шунчак ҳаракатларинг, юришининг энамнинг битта ўксиниши арзийдими?! Сени не азобларда катта қўлган. Ҳатто фарзанди бўлганинга ҳам табиға етаклаб борган энамнга нима қилиб кўйдинг? Оғирини енгил қилингни, дар-дига малҳам бўлдингни? Қаёда, энам бетоб бўлиб ётганида сен жўрларини билан айшу ишрат қилиб юрмаганимдинг?.. Энамнинг сенинг ҳеч нарсанг керак эмас! Оғизига меҳр берсанг, бас. Шуни билмайсанми? Биласан! Амал қимлайсан. Үндан кўра бутун дову-дасканни ийғиштириб, қишлоққа, энамнинг ёнига борсанг бўлмайдими? Адабиёт, журналистика сенсиз кемтик бўлиб қоладими? Ҳеч қачон! Сен борисман, йўқимисан – ким билди? Ҳеч ким! Сен уммон юзидағи бир чўпдай гапсан!..». Саволларнинг охри йўқ, аммо уларга тайинли жавоб ҳам йўқ.

Ишумни тугатиб, наста тушсам, синфдошим Зойир турибди. (Ҳозир ўзА жойлашган ўн етти қаватли соатли бинода эди тоҳририятимиз). Салом-алик қилдик.

– Ҳечон келдингиз? – дедим.

– Эрталаб көвлудим. Ишларим бор эди.

– Нега қўнғироқ қилмадингиз эрталабдан бери?

– Вақтим бўлмади. Унинг устига, қаердан телефон қилимсан. Телефон-автомат учун иккى тийинлик керак. Кайдан оламан уни?

– Тўғри, – дедим ҳазиллашиб, – сизда танга нима қилидай. Ҳаммаси йирик пуллар. – Зойир бу гапдан мамнун жилмайди. Бундай гаплар унга ёкишини биламан. – Майли, келганинг ёхши бўпти. Кетдик уйга. Энам шу ердалар.

Биз Зойир билан ўқувчилик пайтимизда жўра киришганимиз. Бу дегани ака-уқадай яқин бўлиши эди. Оилавий борди-келдилар узлуксиз кечарди.

# Чўтмон

## ЮЗИДАГИ ЧЎП

Эссе



2007-yil 11-yanvarda  
Oʻzbekiston  
Matbuot va axborot  
agentligi  
116-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va  
«Ishonch-Доверие»  
gazetalarini  
tahrir hay'ati:

Qadratilla RAFIGOV  
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOV,

Anvar ABDUMUXTOROV,

Sayfullo AHMEDOV,

Akmal SAIDOV,

Ravshan BEDILOV,

Qutlimurot SOBIROV,

Suhrob RAFIGOV,

Shoqosim SHOISLOMOV,

Hamidulla PIRIMQULOV,

Nodira G'YOIBNAZAROVA,

Anvar QULMURRODOW

(Bosh muharririnining  
birinchi o'rinosari),

Mehriddin SHUKUROV  
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK  
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir  
Husn ERMATOV

Bo'lmlar:  
Kasaba uyushmalarini hayoti –  
(71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot –  
(71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy  
qadriyatlar va sport –  
(71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar  
bilan ishlash –  
(71) 256-85-43  
Marketing va obuna –  
(71) 256-87-73

Hududlardagi  
muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi –

(+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati –

(+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati –

(+998-99) 889-90-31

Jizzax viloyati –

(+998-99) 889-90-34

Namangan viloyati –

(+998-99) 889-98-02

Navoiy viloyati –

(+998-99) 889-90-28

Samarqand viloyati –

(+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati –

(+998-99) 889-98-55

Surʼondaryo viloyati –

(+998-90) 379-19-70

Toshkent viloyati –

(+998-99) 600-40-44

Farg'on'a viloyati –

(+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati –

(+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati –

(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olinigan  
ma'lumotlarda manba  
sifatida gazeta nomi  
ko'rsatilishi shart.

Muallaf fikri tahririyat  
nuqtai nazaridan  
farqlanish mumkin.

Navbatchi muharrir:

A. Abdurahmonov

Musahihilar:

D. Xudoberganova,  
D. Ravshanova

Sahifalovchi:

H. Abdujalilov

Boshisiga topshirish vaqtini – 22:30

Topshirildi – 23:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,

Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yahoo.uz

Tahririyat hisobraqami:

2021 0000 0004 3052 7001

ATIB «Ipotek bank»

Yashnobod filiali,

bank kodi: 00595,

STIR: 201133889,

OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba,

payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida

terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida,

A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

Buyurtma G-1013

Nashr ko'satikchi: 133

1 2 3 4 5

Umumi adadi 30344

14013 nusxasi «Sharq»

nashriyot-matbaa aksiyadorlik

kompaniyasi bosmaxonasida

chop etildi.

Korxona manzili: Toshkent shahri,

Bukh Turon ko'chasi, 41-uy.

Бир оиласиң бирон-бир тадбири иккинчиси иштирокисиз ўтмайди. Бирининг гапини бошқаси икки қилимайди. Илгари шундай урф бор эди.

– Йўқ, – деди Зойир, – уйга кейин борамиз. Ҳозир Улубек посёлкасига борисимиз керак. Мирзо билан Очил кутиб ўтирибди.

Мирзо билан Очил мактабдошимиз, Омонкўтон қишилгидан. Улар Улубек посёлкасидаги Ядро физикаси институтида ишлади, ўша ерда яшайди.

– Энам хавотир оладилар...

Зойир гапни ҳазилга бурди:

– Энангизми ёки келининг?

Хуллас, ўйла тушдик. Зойир ўзининг машинасида келган.

Уша куни Улубек посёлкасида қолдик. Тўрт оғанин тонг отар гурунг қилдик. Нонуштадан кейин Зойир билан шахарга кайтдик. Тўри менинг ишхонамга келдик. Қарасам, эшик олдида хотиним турибди. Юрагим шигиллаб кетди. Тинчликмикан? – Зойир билан салом-алик қилди-да, менга яшайди.

– Қаёда юрибисиз?

Мендан олдин Зойир жавоб берди:

– Мен қўймай олиб кетдим ўртоқларимиз олди.

Хотиним Зойиргамас, менга деди:

– Шу ёқа борар экансиз, бир оғиз телефон қўй